*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**22 январь**
ЧОРШАНБА
**№ 7** (12643)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Орамиздаги одамлар

## МАРТАБАНГИЗ УЛУҒ БЎЛСИН!

***"Максам-Чирчиқ" корхонаси аммиакли селитра цехи бошлиғи Холхўжа Иброҳимов ўз касбининг ҳақиқий фидойиси. Салкам 40 йилдирки, шу корхонада. Унинг кўп йиллик меҳнати давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.***



– Корхонамизда ишчиларнинг меҳнати юқори қадрланади, – дейди у. – Шунинг учун бизда куним ўтса бўлди, дейдиганлар йўқ. Илғор ишчиларнинг мукофот олиши ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланиши бошқаларда иштиёқ ҳамда ғайрат уйғотяпти. Режа ва топшириқларни ортиғи билан бажаряпмиз. Ҳамма хурсанд. Бундан ортиқ нима керак?!

Холхўжа Иброҳимов бошлиқ цехда йилига 450 минг тонна ўғит ишлаб чиқарилади. 250 киши учта сменада ишлашяпти.

2012 йили Испаниянинг Максам КОРП компанияси корхонада зичлиги паст нитрат аммоний ишлаб чиқариладиган цех қуриб берди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу цех Ўрта Осиёда ягона. Йилига 60 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга цехда 45 ишчи меҳнат қилмоқда.

Устозлари Ирина Слюсерова, Мамат Тўйчиев, Шароф Байрамов унинг ютуқ ва муваффақиятларидан хурсанд. Оилавий борди-келдиларига ҳавасингиз келади.

Холхўжа Иброҳимов 20 дан зиёд шогирд етиштиришга улгурди. Улар орасида Алишер Азимов, Саид Эрканбоев, Акмал Тошпўлатов бугун корхонанинг энг илғор ишчилари.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Прокурорлик назорати

**Вилоят прокуратураси жойларда ҳокимликлар қурилиш ва бошқа мақсадлар учун ер ажратишда ердан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонунлар ижросига қай даражада амал қилаётгани устидан доимий прокурорлик назорати ўрнатган.**

## ЕРНИНГ ЭГАСИ БОР

2013 йилда ўтказилган тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар 67 ҳолатда 4019,2 гектар, шу жумладан 2 ҳолатда 56,5 гектар ер уй-жой, 0,35 гектар ишлаб чиқариш, 0,15 гектар ёқилғи қуйиш шахобчаси, 3 гектар иссиқхона қуриш, 5 ҳолатда 124,3 гектар мева-сабзавотчилик ва боғдорчилик, 3 ҳолатда 20,9 гектар чорвачилик ҳамда 54 ҳолатда 3813,8 гектар ер бошқа йўналишда фойдаланиш учун ноқонуний ажратгани аниқланди. Бу ерларнинг 816,3 гектарини мансабдор шахслар хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик йўлида ажратишди.

Аниқланган қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида маҳаллий ҳокимликларга 29 та тақдимнома киритилди ва 21 мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан учта жиноят иши қўзғатилиб, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилишга оид 150 та протест келтирилиб, 3459,3 гектар ер давлат захирасига қайтарилди.

*(Давоми 2-бетда).*

Маънавият

## ОДАМ САВДОСИ – ҚАБИҲ ЖИНОЯТ

**Халқимизда "Қўшнинг тинч – сен тинч" деган ибора бор. Дунёни тобора кенгроқ қамраб олаётган глобаллашув жараёни ижобий жиҳатлари билан бир қаторда турли иллатларини ҳам намоён этаётгани бор гап. Оммавий маданиятнинг совуқ шарпасини даф этиш, одам савдосини йўқ қилишнинг қийинлашиб бораётгани барчани хавотирга солаётгани бежиз эмас. Зеро, бу иллатлар жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётганини, кўпларнинг ҳаётини заҳарлаётганини инкор этиб бўлмайди.**

Маънавий инқирозга юз тутаётган давлатлар биздан узоқда эмас. Уларнинг таъсиридан эҳтиёт бўлишни одамларга, айниқса ёшларимизга уқтириш осон кечмайди. Бунда мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, ижтимоий ҳамкорликка таяниб иш кўриш даркор. Яъни, ҳар бир оила ва хонадондаги аҳволдан маҳалла, хотин-қизлар, прокуратура, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бошқармалари, "Камолот" каби давлат ва жамоат ташкилотлари хабардор бўлиши керак. Шунда маҳаллада ким қаерга, нима мақсадда бориб келаётганини назорат қилиш қийин бўлмайди.

*(Давоми 2-бетда).*

Намунали таянч пунктлари

## ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

**Зангиота тумани Ўртаовул қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Обод турмуш" маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди.**

"Обод турмуш" маҳалласида бунёд этилган стадионда кўплаб йигит-қизлар спортнинг қатор турлари билан мунтазам шуғулланаётир.

– Ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бермоқда, ҳудудимизда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кескин камайди, – дейди "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳомид Бойматов. – Бунда профилактика инспектори, майор Қобил Нуриддинов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси инспектори Баҳром Сариков ва посбонларнинг хизмати катта бўлаётир.

Танловда бир қатор бошқа номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Японияда чоп этиладиган "Yomiuri Shimbun" газетасида ана шундай сарлавҳа остида Ўзбекистонга бағишланган мақола эълон қилинди. Унда муаллиф, сиёсий шарҳловчи Т. Дегучи ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини кўп сонли ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган:**

**"Ўзбекистон пойтахтининг марказида Алишер Навоий номли театр қарор топган бўлиб, мазкур театр биносининг барпо этилишида японлар иштирок этган. 1947 йили қурилган ушбу иншоот 1966 йили рўй берган кучли зилзилага бардош берган. Бу ўзбек халқи томонидан япон технологиясига ҳамда ҳар бир ишга масъулият билан ёндошишга юқори баҳо берилишининг сабабларидан бири ҳисобланади.**

## «ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СЕВИМЛИ МАМЛАКАТИ»

Театр биносининг чап деворидаги лавҳда қуйидаги ёзувни ўқишингиз мумкин: "Ушбу театр қурилишида япон халқининг ўғлонлари қатнашган ва унга катта ҳисса қўшишган".

"Япон халқининг ўғлонлари" деганда Иккинчи жаҳон уруши туганидан сўнг республикага келтирилган япон ҳарбий асирларини тушунмоқ керак. Мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Президент Ислом Каримов кўрсатмасига биноан, ушбу маълумот ёзилган ёдгорлик тахтачасидаги "япон ҳарбий асирлари" сўзлари ўзгартирилди, чунки Ўзбекистон Япония билан ҳеч қачон урушмаган.

Япония парламенти Юқори палатаси бюджет қўмитасининг 2013 йил 13 май куни бўлиб ўтган йиғилишида Бош вазир ўринбосари Таро Асо депутатларга мазкур театр ҳақида сўзлаб берди. У, шунингдек, Ўзбекистонда япон халқининг тиришқоқлиги ҳақидаги маълумот авлодлардан авлодларга ўтиб келаётганини ҳам қайд этди.

Марказий Осиёда жойлашган беш мамлакат, жумладан, Япония учун муҳим бўлган Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка асосланган ҳолда ўзларининг иқтисодий тараққиётини қуриб келишмоқдаки, улар мазкур жараёнда Японияни муҳим шерик деб ҳисоблашади. 2014 йилнинг ёзида Марказий Осиё мамлакатлари ва Япония ташқи ишлар вазирларининг йиғилишини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ўтган йилнинг октябридан буён олдинда турган ушбу тадбир юзасидан масалаларнинг амалий даражадаги муҳокамаси бормоқда.

Япония ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, авлодларимизнинг серғайратлиги туфайли Ўзбекистон ҳаққоний равишда японияликлар учун севимли мамлакатга айланган. Бош вазир Ш. Абэ томонидан эълон қилинган "глобал миқёсдаги дипломатия" нуқтаи назаридан ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлаш Япония учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар қабул қилган ҳолда Марказий Осиё йўналишида бундан кейин ташланадиган қадамларга эътибор қаратиш зарур эканлигини яна бир бор тасдиқлайди".

**"Жаҳон" АА.**
**Токио.**

Қарор ва ижро

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижроси изчил таъминланмоқда.**

Шу мақсадда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий ишларни амалга ошираётир. Амнистия туфайли жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларни иш билан таъминлаш, ёлғиз ва кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топшириш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаши учун зарур шароит яратиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилаётир.

Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида мазкур қарорнинг ижросини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор мамлакатимизда инсонпарварлик тамойили устувор эканининг амалдаги яна бир ифодасидир, – дейди жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди раиси Муҳаббат Хўжаева. – Азалдан билмай хато қилганни ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириш, уларга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик фазилатларидандир. Амнистия акти замирида ҳам шундай буюк инсонпарварлик мужассам. Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик, айниқса, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амнистия тўғрисидаги қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган.

– Қилган жиноятим учун 2013 йил июнь ойида уч йилга озодликдан маҳрум этилгандим, – дейди тошкентлик Гуляна Байбакова. – Мана, жуда қисқа муддатда юртимизда устувор бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик туфайли озодликка чиқиб, уйимга қайтаяпман. Бу ерда ўз уйинг, яқинларинг дийдоридан азиз неъмат йўқлигига, фақат ҳалол меҳнат қилиш тўғри йўл эканига амин бўлдим. Президентимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлимни бутунлай ўзгартиради. Энди фақат ҳалол меҳнат билан, одамларга яхшилик қилиб яшашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшган энг намунали солиқ тўловчи" сифатида тан олинди. Бу юксак эътирофга компания ўзининг 2013 йил давомидаги фаолияти натижалари учун муносиб, деб топилди.**

## ЭНГ НАМУНАЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил қилинган кўргазмали семинарда ўтган 2013 йилда солиқларни ўз вақтида бекаму кўст тўлаш бўйича барчага намуна кўрсатган қатор корхона ва ташкилотлар кенг жамоатчиликка таништирилди. Тадбирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК-га тантанали равишда махсус "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшган энг намунали солиқ тўловчи" учун аталган фахрий ёрлиқ топширилди.

**"Туркистон-пресс".**

Эътироф

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган "ННТ фаолиятини ёритган энг яхши таҳририят ва журналист" танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

– Мазкур танловни ўтказишдан мақсад, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга кўмаклашиш, – деди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди бош мувофиқлаштирувчиси Ортиқхўжа Норов. – Танловга тақдим этилган ижодий ишлар кўлами ва мазмуни шуни кўрсатадики, кейинги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш ва давлат дастурларини бажаришдаги ўрни ҳамда масъулияти ортган.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



Прокурорлик назорати

# ЕРНИНГ ЭГАСИ БОР

Жумладан, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимининг 2013 йил 2 апрелдаги қарори билан "Шоҳжаҳон Чирчиқ агро" фермер хўжалиги раҳбари Т. Шамшиметовга узоқ муддатга қўшимча 94,58 гектар ер ажратилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида"ги қарорининг 3-бандига хилоф иш қилинган. Ушбу моддада давлат корхоналари, муассасалари

(Давоми. Боши 1-бетда).

раҳбарлари ва ўринбосарлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган. Яъни, Т. Шамшиметовнинг Чирчиқ шаҳар "Махсустранс" давлат унитар корхонаси раҳбари лавозимида ишлаётгани инобатга олинмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатга олган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда туман ҳокимининг 2013 йил 2 апрелдаги қарори билан фуқаро А. Дўсмуҳамедовга 297,7 гектар, 2013 йил 17 майдаги қарори билан К. Алимжоновага 352,6 гектар ер ажратилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Ўрта Чирчиқ туман прокуратураси туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди ва 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатди.

Янгийўл туман прокуратураси қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни ҳисобдан чиқаришнинг қонунийлигини ўрганганида, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мансабдор шахслари, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бошқалар "Тинчлик" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 24,72 гектар, "Дўстлик" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 21,82 гектар суғориладиган ер фуқароларга ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан якка тартибда уй-жой қуриш учун бериб юборилгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатди.

Бўка туман ҳокимининг 2012 йил 16 апрелдаги қарорига асосан "Й. Ҳожиматов" фермерлар уюшмаси ҳудудидаги туман давлат захира еридан тутчилик йўналишидаги "Дона-Лола" фермер хўжалигига Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси талабига зид равишда 3,78 гектар ер ажратиб берилган. Ушбу қарор вилоят прокуратурасининг протестига асосан туман ҳокимининг 2013 йил апрелдаги қарори билан бекор қилинди ва ерлар давлат захирасига қайтарилди.

**Акмал МАДИЕВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

Маънавият

# ОДАМ САВДОСИ – ҚАБИҲ ЖИНОЯТ



Бекобод тумани "Зомин" маҳалласида яшаган 20-21 ёшли Норинисо ва Наргиза Миржумаевалар, Фаррух Исмоилов, Чилонзор туманида яшаган 54 ёшли Акром Файзиевдан иборат жиноий гуруҳ ўз кирдикорларини бемалол амалга оширишлари учун шароит, муҳит етарли бўлган. Уларнинг номаъқул ишга қўл уриб, ҳаётларини хавф остига қўйганлари етмаганидек, ўзгаларнинг ҳаётини заҳарлашга уринганларини кечириб бўлмайди. Одам савдоси ўғрилик, фоҳишалик, қаллоблик каби иллатлар илдиз отишига сабаб бўлаётир. Жабрланувчилар Ю. Ўринбоева, И. Ражабова, Н. Бекназарова каби қизларнинг кўрсатмаларини тинглаб, уларга нисбатан ачинишдан кўра, нафрат туйғулари кучлироқ сезилди.

– Дубайга ўз хоҳишим билан борганман. Фоҳишаликни ҳам ўзим ихтиёр этганман, – дейди Ю. Ўринбоева. – Кўпроқ пул топиш мақсадида шу ишга қўл урдим.

Ҳа, енгил-елпи ҳаётга ўрганганлар ҳар қандай ишдан ор қилишмайди. Оилавий муҳитнинг қай даражада эканини унинг сўзларидан сезиш қийин эмас: "Қизларим аввал Россияда ишлаб келишган, кейинчалик билсам, улар БАА деган давлатга боришибди", – дейди опа-сингил Миржумаеваларнинг онаси. Демак она бу ишларга бепарво.

Тўғри, жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олишди. Аммо, улар қанча-қанча ёш ниҳолларнинг нотўғри ўсишига сабаб бўлишди. Бундай ҳолатлар вилоятимиз шаҳар ва туманларида тез-тез учраб тургани, бошқа жамоат ташкилотлари қатори прокуратура, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини янада масъулият билан ишлашларини талаб этади. Вилоят прокуратура органлари одам савдоси жиноятлари содир этилишига қарши курашишни қатъий режа

(Давоми. Боши 1-бетда).

асосида олиб бормоқда. Жумладан, одам савдоси жиноятларини келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, ундан жабрланган фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга тиббий, руҳий, ижтимоий ва юридик ёрдам бериш, бандлигини таъминлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда истиқомат қилаётган аҳоли орасида яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар, шунингдек, одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шуғулланаётган шахслар рўйхатга олиниб, жойлардаги ИИВ профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Одам савдосидан жабрланган аёллар тиббий кўрикдан ўтказилиб, хотин-қизлар қўмиталари иштирокида уларга руҳий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг бу борадаги ишларини таъкидлаб ўтиш керак. Ёш авлодни одам савдоси жиноятларидан ҳимоялаш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида 1140 фуқаролар йиғинларига "Одам савдосидан огоҳ бўлинг" номли буклет ва қўлланмалар тарқатилди. Матбуот, радио, телевидение орқали мунтазам чиқишлар қилинмоқда.

Лекин, бу жиноятни бартараф этиш учун янада уюшқоқлик билан иш олиб бориш керак. Чунки, мўмай пул топаман деб, ҳавойи орзу-ҳавасга берилаётган, натижада ўз умрига, яқинлари ҳаётига хавф солаётган, алданган, одам савдоси қурбонлари ҳали ҳам учраб турибди. Олдинда нима кутаётганини фаҳмласалар ҳам, нафс балосидан қутулолмаётган фуқаролар нафақат ўзлари, балки жамиятга ҳам катта зарар етказмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар вилоятимизда изчил давом этмоқда. Шу мақсадга йўналтирилган "Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича мониторинг маркази" фаолияти чет элга бориб ишлаш орзусидаги ёшларга тўғри йўл кўрсатибгина қолмай, қонуний йўл билан уларни ҳимоялаб, қайтиб келганларни тиббий кўрикдан ўтказиб, ижтимоий фойдали ишга жалб этади.

Хуллас, "ҳар ерни қилма орзу"... деган ҳикматни унутмайлик. "Сенга даромади мўл иш топиб бераман" дея алдаб, паспортларини олиб қўйиб, қулликка дучор этаётганлар ҳам бегоналар эмас, улар ён-атрофингизда, орамизда. Улардан эҳтиёт бўлиб, узоқроқ юриш, тузоғига тушиб қолмаслик ўз қўлингизда.

**Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**

**Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида"ги қарори вилоятимиз иқтисодиёти барқарор ривожланишини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва тармоқларини диверсификациялашда муҳим омил бўлаётир. Барча туман ва шаҳарлар қатори Пискент туманида ҳам ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар яхши самара бераяпти.**

## ЯНГИ ТАРМОҚЛАР

– Президент қарори ва вилоят ҳокимининг топшириқлари ижросини таъминлаш учун туманимизда енгил саноат ва қурилиш моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган умумий қиймати 2 миллион 742 минг долларлик 8 та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш ҳисобига 500 дан зиёд янги иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз, – дейди туман ҳокимининг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Шуҳрат Иномжонов. – 2013 йилда лойиҳага киритилган "AZALEA GARMENT", "Ҳамкор савдо" масъулияти чекланган жамиятлари, "Диёрбек Чарос", "Муҳиддин Сиддиқ ўғли" каби 5 та иқтисодий тармоқ иш бошлади. Натижада 400 дан ортиқ аҳоли ишли бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорларига мувофиқ ташқи инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Гулшан кўчасидаги собиқ каноп фирмаси ўрнида россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда очилган эркак ва аёллар кийим-кечаклари тикишга ихтисослашган "AZALEA GARMENT" масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналардан бири. Жамоада кунига бир ярим, икки мингта маҳсулот тайёрланяпти. Бунда дастгоҳларнинг замонавийлиги, компьютерлаштирилгани қўл келяпти.

– Даромад ҳам шунга яраша, – дейди ижрочи директор Зоҳиджон Нажмиддинов. – Маҳсулотларимизни асосан МДҲ мамлакатларига экспорт қиламиз. Ташқи бозорда ўз ўрнимизга эга бўлиб, мавқеимиз ошишида 400 га яқин ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси катта.

Бир сўз билан айтганда, туманда бошқа ҳудудларнинг ҳам иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини юксалтириш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Мақсад – янги иш ўринлари яратиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

Тараддуд

# ҲОСИЛ КЎЧАТДАН, КЎЧАТ УРУҒДАН ОЛИНАДИ



**Тадбирли деҳқон ишни уруғни саралаб тайёрлашдан бошлайди. "Сара уруғ – ҳосил бўлиқ" деганлари шу. Айниқса, пахтачиликда. Кўчатнинг тўлиқ бўлиши уруғлик чигит қандай тайёрланганига боғлиқ. Уруғ сифатли бўлса, бехато унади. Демак, кўчат бут, гектарлар эса тўлиқ бўлади. "Ҳосил кўчатдан олинади" деганлари шу.**

Кейинги йилларда уруғлик чигит жойларда марказлашган усулда тайёрланиб, расамади билан вақтида тарқатилаётгани боис унувчанлиги ошиб, майдонларда кўчат бут ва гектарлар тўлиқ бўлиб, давлат эҳтиёжлари учун пахта етиштириш контрактация шартномалари ортиғи билан бажарилмоқда. Айни кунларда 2014 йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлаш билан боғлиқ ишлар изчил давом этаяпти.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Кетмонтепа" цехида уруғлик учун ажратилган сара чигитга кимёвий дорилар билан ишлов бериш авжида.

– Ҳозир цехимизда 45 ишчи-хизматчи икки сменада ишлаб, кунига 25-26 тонна уруғлик тайёрламоқда, – дейди цех бошлиғи Ўрозбой Азимов. – Уларнинг унумли ва хавфсиз ишлашлари учун қулай шароитлар яратилган. Аввало, кимёвий дорилар зарар етказмаслиги учун ҳамма махсус коржомада ишлайди. Вақтида ва керагича қатиқ берилади. Чой ва иссиқ овқат тайёрланади.

Бу йил цех Қуйи Чирчиқ туманини 619 тонна, Чиноз туманини 280,7 тонна уруғлик чигит билан таъминлаши керак.

– Шартнома вақтида ва сўзсиз бажарилади, – дейди лаборатория мудири Мирвали Шербеков. – Лекин асосийси бу эмас. Биз асосий эътиборни уруғликнинг сифатига қаратамиз. Чунки, унувчанлиги 96-98 фоизга етказилмаса, фермерлар кўчатдан ютқазишади. Яна бир гап. Уруғлик шундай режа асосида тайёрланмоқдаки, гектарига кўпи билан 36 килограмм чигит сарфланади. Унувчанлиги ва сарфи мақбул меъёрда бўлгани биринчи галда фермерлар учун фойда.

Бугунги кунда цехда салкам 300 тонна иккинчи репродукцияли С-6524 навли уруғлик чигит тайёрланди. Бу шартноманинг учдан бир қисми бажарилди деганидир.

**Даврон АҲМАД**
**олган суратлар.**



**Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида Япониянинг ички ишлар ва коммуникациялар вазири ўринбосари, Парламентнинг вакиллар палатаси депутати Йоко Камикава хоним билан учрашув бўлиб ўтди.**

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Учрашувда томонлар телекоммуникация соҳасида Ўзбекистон-Япония ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик алоқалари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

OECF (Денгизорти иқтисодий ҳамкорлик фонди), Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC)нинг имтиёзли молиялаштирилган лойиҳалари шу каби самарали ҳамкорлик маҳсулидир.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларини рақамлаштиришда кўп йиллик ҳамкорларидан ҳисобланувчи япон корпорацияларининг бугунги кунда мамлакатимизда рақамли телевидение ва рақамли телеузатиш технологиялари ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳам таъкидланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Япониянинг ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган меморандум имзоланди.

Мазкур ҳужжатда АКТ соҳасини янада ривожлантиришга оид лойиҳалар ишлаб чиқиш, шу йўналишда фикр ва тажриба алмашиш, ҳар икки мамлакатдаги соҳа ишлаб чиқарувчилари, ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлат ва саноат секторини ахборот технологиялари соҳасида мамлакатлар салоҳияти билан таништириш мақсадида бизнес-конференциялар, ўқувлар ташкил этиш ва бошқа бир қатор муайян чора-тадбирлар акс этган.

**"Туркистон-пресс".**

ЭЪЛОН

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республика Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли фармони қабул қилинган.

Мазкур фармонда статистика ҳисоботларини соддалаштириш, уларнинг шаклларини қисқартириш ва тақдим этишнинг такомиллаштирилган механизмини жорий қилиш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Фармонга мувофиқ, 65 та турдаги давлат статистика ҳисоботлари шакли қисқартирилган бўлса, 23 та ҳисоботнинг тақдим этиш даврийлиги узайтирилди.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар яратди, жумладан микрофирмалар илгари бир йилда 4 маротаба давлат статистика ҳисоботи топширган бўлса, эндиликда йилда 1 марта йиллик давлат статистика ҳисоботини тақдим этади. Фермер хўжаликлари томонидан эса 5 марта ўрнига йилда 3 марта ҳисобот тақдим этиши белгиланган.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда, электрон кўринишдаги статистика ҳисоботини йиғиш тизими кенг йўлга қўйилди. Фармонга мувофиқ, 2014 йилнинг охирига қадар барча хўжалик юритувчи субъектлар давлат статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда тизимда 13 та ойлик, 35 та чораклик ва 93 та йиллик, жами 141 давлат статистика ҳисобот шакли хўжалик субъектлари томонидан электрон тарзда тақдим этилиши учун тўлиқ имкониятлар яратилган.

Электрон имзодан фойдаланган ҳолда давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилишни интернет тизими орқали жўнатишнинг асосини "eStat 2.0" дастурий таъминоти ташкил этади.

"eStat 2.0" ахборот тизимининг функционал қулайликлари қуйидагилардан иборат:

● статистик ҳисоботларни топширишда вақтнинг тежалиши;

● давлат статистика органларига ҳисобот учун масъул мансабдор шахсларнинг шахсан келиши бартараф қилиниши;

● статистик ҳисобот шаклларининг бирламчи шахс томонидан тўлдирилиши ҳисобидан турли хатоликлар сонининг тубдан қисқариши;

● электрон шаклда киритилган статистик ҳисоботларнинг нусхасини қоғоз шаклда ҳам олиш имкониятининг мавжудлиги;

● статистик ҳисобот шаклларининг тезкор ва ўз вақтида янгиланиб борилиши;

● ахборот тармоғи орқали узатилаётган ахборотларнинг махфийлиги таъминланиши (барча ҳисоботлар жўнатишда ахборотларни криптографик ҳимоялаш воситасидан фойдаланилади).

Корхона ва ташкилотлар статистик ҳисоботларни электрон усулда топширишлари учун:

● Интернет халқаро ахборот тармоғига уланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маркази томонидан берилган электрон рақамли имзога эга бўлиши керак;

● Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан махсус автоматлаштирилган ахборот тизими кўчириб олиб ўрнатилади;

● топширилиши керак бўлган ҳисобот шакли танлаб олиниб тўлдирилади ва арифметик, мантиқий назоратдан ўтказилади ҳамда ҳисобот жўнатилади;

● ушбу тизим мустақил равишда флэш хотирадан электрон рақамли имзони излайди ва топгандан кейин ҳисоботни имзолайди ҳамда ҳисоботни Давлат статистика қўмитаси серверига жўнатади;

● статистика органлари ходимлари ҳисоботларни махсус дастур орқали қабул қилиб олади. Уларни текширади, агар хатоликлари бўлмаса, қабул қилади, акс ҳолда хатоларини кўрсатиб, ҳисоботни тузатиш учун қайтариб юборади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизга барча турдаги ойлик, чораклик ва йиллик давлат статистика ҳисоботларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланган ҳолда электрон равишда тақдим этишингизни эслатиб ўтамиз.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

Олов – тилсиз ёв

**Ёнғин катта моддий зарар етказишидан ташқари одамлар умрига завол бўлиши, айримларни майиб-мажруҳга айлантириши билан даҳшатли офатдир.**

## ҲУШЁРЛИК ЁНҒИННИ ДАФ ЭТАДИ

Шу боис мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги хизматига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани янада такомиллаштириш, кадрлар малакасини ошириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Юртимизда янги-янги бинолар қад кўтармоқда. Бу жараёнда, яъни бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлашда ёнғин хавфсизлиги қоидалари меъёрий ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.

Айниқса, қурилишда электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорлик зарур. Масалан, қурилишга вақтинчалик тортиладиган электр симлари изоляцияланиши, маҳкам тирговуч ёки тросларга илиниши лозим. Электр сими ўтиш жойларидан 3 метр, йўллардан 6 метр баланд бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан пастроқ баландликда бўлган электр кабель ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак. Электр пайвандлаш ва газ алангаси билан боғлиқ ишлар бажариладиган жой ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши ва атрофи 5 метргача ёнувчан моддалардан холи бўлиши зарур.

**Ш. РЎЗИҲОЖИЕВ,**
**12-ХЁХО 1-ХЁХ алоҳида пост кичик инспектори.**

Касбим – фахрим

# БЕКОБОДЛИК ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

**Эрта тонг. Ҳамма ширин уйқуда. Лекин Ҳотамқул уста аллақачон мўъжаз устахонасида ишлаб ўтирибди. Устахонадаги шовқин қулоқни қоматга келтиради. Атрофга учқунлар сочилади. Оддий темир аста-секин чиройли буюмга айланади.**



Ота-боболари касбини ардоқлаб, ҳунармандчилик ортидан ҳалол меҳнати эвазига рўзғор тебратаётган бекободлик Ҳотамқул Мадумаров бошлиқ ҳунармандлар оиласига кўпчилик бўлакча эҳтиром ва ҳавас билан қарашади. Оддий хонадон рўзғорига керак бўлган буюмлар, айтайлик, болта, ўроқ, ошпичоқ, белкурагу кетмонлар ясаб, эл-юртнинг дуосини олишмоқда.

– Кўп асрлик халқ ҳунармандчилиги мустақиллик йилларида янада гуллаб-яшнади, – дейди уста. – Миллий ҳунармандчиликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларининг даромад солиғи ва божхона тўловларидан озод этилгани туфайли истеъдод ва маҳоратимизни шунчаки даромад топишга эмас, балки янги ижодий изланишлар, бадиий жиҳатдан юксак даражадаги санъат асарларини яратишга сафарбар этиш, муносиб шогирдлар етиштириш имконига эга бўлдик.

Устози Зокиржон Жўраевдан ўрганганлари оила рўзғорига барака киритди. Бугун ҳунарманднинг касб-корини ўғиллари Бобомурод ва Дилмурод давом эттиришмоқда. Улар ясаётган 50 дан ортиқ темирчилик буюмларини деярли ҳар бир хонадонда учратасиз. Улардан фойдаланаётганлар уста ва унинг фарзандлари ҳунарига таҳсин айтишади.

Ҳозир Бекобод шаҳрида 70 дан зиёд ҳунарманд фаолият юритмоқда. Сандиқчи, тикувчи, заргар, темирчи, тунукасоз, ёғоч ўймакорлиги усталари, каштачи ва дўппидўзлар талайгина. Улар ясаган маҳсулотлар сабаб шаҳарга узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг қадами аримайди. Шаҳар "Ҳунарманд" уюшмаси раиси Олим Кўчқоров уларнинг сафи кенгайиб, ясаётган маҳсулотлари тури кўпайиб, халқ корига яраётганидан боши осмонда. Шунга яраша уюшма томонидан ҳунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, зарур имтиёзлар берилмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**СУРАТДА:** Ҳотамқул Мадумаров иш устида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

2014 йил – Соғлом бола йили

# ФИДОЙИ УСТОЗ

**Ўзига хос одоб билан ўқув хонасига кириб келган Фарида Иброҳимованинг хушчеҳралик билан кутиб олишидан кўнглим ёришди. "Қанчалар оқила аёл экан" дея ҳаваслandim ичимдан.**

– Болалигимнинг қувноқ дамлари Чинозда ўтди, – дейди Ф. Иброҳимова. – Отам илмли кишиларни жудаям қадрлардилар. Шунданми, Сирдарё педагогика институтини 1977 йилда тамомлаб, ўзим таълим олган мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб фаолият бошладим...

Мана 36 йилдирки, Фарида Иброҳимова рус тили фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

Тўрт фарзанди – Муҳаббат, Шоҳиста, Нилуфар, Иброҳимжон. ҳам олий илм даргоҳларида таҳсил олишди.

Ҳалол меҳнат ҳеч қачон самарасиз кетмайди. Фарида Иброҳимова 1996 йилда Халқ таълими аълочиси, 2005 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими унвонига сазовор бўлди.

– Мен одамлардаги камтарликни улуғлайман, – дейди устоз. – Ҳамиша яхши инсонлар даврасида бўлиб, уларга қўлимдан келганича кўмак беришга интиламан. Саксон олтига кирган онамнинг: "Болам, бу ҳаётда яхшиликдан, эзгуликдан улуғи йўқ. Ҳамиша яхшиликлар ичида яшагин", деган ўгитларини доимо ёдимда тутаман.

Нозик қадди ила турмушнинг минг бир юмушини ўз зиммасига олган, гоҳ мактаби сари, гоҳ оиласи даврасига ошиққан бу дилбар аёл билан суҳбатлашсангиз яна суҳбатлашгингиз келаверади.

– Фаридахонни талабалик йилларидан бери биламан, – дейди устози Тошпўлат Эргашев. – Ниҳоятда меҳнатсевар қиз эди. Ҳар қандай топшириқни аъло даражада бажарарди. Табиатан меҳрибон, камтар қизимизни бугун устозлари сафида кўриш мен учун ҳам фахрли.

Фарида Иброҳимова эндиликда 2-мактаб раҳбари. Ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам унинг меҳридан, сабоғидан баҳраманд бўлишга интилишади. Инсон учун айниқса, аёл учун доимо севимли бўлиш нақадар улкан бахт. Жамиятимизнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда шундай оқила, шижоатли хотин-қизлар меҳнат қилаётгани илм-фаннинг ютуғидир.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Оққўрғон тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларининг 5 мингга яқин обуначилари турли жабҳаларга оид ва бир неча тиллардаги 20 мингга яқин китобларни мутолаа қилиш имконига эгалар. Бундан ташқари, замонавий технологиялар, яъни, компьютер, нусха кўчириш, аудио ва видеоаппаратлар, телевизор, DVD плеерлар ҳам аъзолар ихтиёрида.**

# КИТОБХОНЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЁШЛАР

– Туманимизда 3 та ахборот-ресурс маркази бўлиб, улар 46-, 19– ва 8–умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган. Бу қолган ҳудудларга нисбатан кам, – дейди туман халқ таълими бўлими мудираси Тамара Аҳмедова. – Лекин ўқувчиларнинг қўшимча ишлашларини, дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш ва улар қалбида китобга муҳаббат уйғотиш мақсадида апрель, май ойларида кутубхоналаримиз фондини бойитиш учун "Мактаб, маҳалла, кутубхона" номли акция ўтказамиз. Бунда туманимиз тадбиркорлари, фермер ва марказ жойлашган маҳалладаги фаоллар иштирок этиб, янги китоблар сотиб олишимиз учун маблағ ажратишади. 2013 йил ўтказилган акциядан 800 га яқин бадиий ва илмий адабиётлар харид қилдик. Шу орқали кутубхона фондини бойитиб борамиз...

8-умумтаълим мактаби қошидаги ахборот-ресурс маркази 9 мингга яқин китоб фонди ва икки мингдан зиёд обуначилари билан пешқадам. Қувонарлиси, обуначиларнинг аксарияти ёшлар.

– Дунёда илмлар кўп. Гап уни қаердан ва қандай олишда, – дейди 8-мактаб ахборот-ресурс маркази раҳбари Қумри Шарипова. – Ҳозирги – ахборот асрида биргина нотўғри маълумот инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириб юбориши мумкин. Обуначиларимизнинг ҳақиқий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш асосий вазифамиз. Шу боис, улар билан ишлашда ёши, жинси, қайси соҳаларга мойиллиги борлигини инобатга оламиз.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ




**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида вилоят инглиз тили ўқитувчилари учун махсус конференция ташкил этилди.**

Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси – UzTEA ва вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган конференция инглиз тили мутахассиси Дилфуза Каримова ўтказаётган семинар-тренингларга уланиб кетди. Унда вилоят шаҳар, туманларидан келган инглиз тили ўқитувчилари иштирок этди. Улар бир ҳафта давомида UzTEA уюшмасининг Президент Фармони асосида олиб бораётган ишлари, CEFR – чет тили бўйича билимларни баҳолашнинг умумевропа тизимидаги янгиликлар, ўқув адабиётлари ва дарсликлар ҳақида маълумотга эга бўлдилар.

Семинар якунида энг фаол ўқитувчиларга сертификатлар топширилди.

**Сайёра РАҲМОНҚУЛОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

**Оҳангарон туманида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши, Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамкорлигида "Соғлом бола – миллат таянчи" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

# МИНТАҚАДА НАМУНА ЮРТ

Тадбирда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий маданиятни юксалтириш, оилада фарзандларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш хусусида сўз борди.

Бугун дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб тургани, ЮНИСЕФнинг шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни амалга оширишда Ўзбекистонни минтақадаги мафкуравий модел сифатида эътироф этгани бежиз эмас.

Давра суҳбати якунида тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига, 200 нафарга яқин фаол ўқитувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА.**



# ИМТИЁЗЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида талабалик бахтига муяссар бўлганлар фанларни қандай ўзлаштираётгани, умуман, илм олишга муносабатлари кузатиб борилиши лозим. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ўтказаётган тадбирлар шу маънода муҳим аҳамиятга эга.**

Тошкент Давлат аграр университетида олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилинган ёшлар билан ишлаш ҳамда уларнинг жамоат ишларидаги иштирокини баҳолаб боришга оид тавсиялар билан таништириш мақсадида «Камолот»нинг олий таълим муассасалари бошланғич ташкилотлари ташкиллаштирган тадбирлардан бири – кенгайтирилган ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Унда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга имтиёзли қабул қилинган талабалар билан ишлаш бўйича "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши тавсиялари ҳақида маълумот берилди. Ҳар бир талаба ўзининг йиллик иш режасини тузиб олиши ва шу асосдаги фаолияти ҳақида ҳар чоракда бошланғич ташкилотга ҳисобот бериб бориши, "Камолот" ЁИҲ мақсад ва вазифалари ҳақида пухта билимга эга бўлиши зарур. Табиийки, тавсия талаблари асосида моддий қўллаб-қувватланишга даъвогар талабаларнинг жамоатчилик фаолияти эътиборсиз қолдирилмайди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# СУРАТИЮ СИЙРАТИ ГЎЗАЛ

**Вилоятимиздаги энг яхши болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан бири – Олмалиқдаги 3-мактабнинг бадиий гимнастика секцияси қатнашчиларига ана шундай таъриф бериш мумкин. Улар спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича нафақат вилоят, республика, балки халқаро мусобақаларда ҳам мухлислар эътиборига тушиб, бир неча ўнлаб медалларга сазовор бўлишган.**



Ҳозир вилоятимиз шаҳар ва туманларида 70 мингдан зиёд ўғил-қизлар 20 та спорт тури билан шуғулланишади. Улар орасида бадиий гимнастикачиларнинг ўрни алоҳида, эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовор. Гимнастикага бўлган қизиқиши 5 ёшиданоқ шакллана бошлаган қизалоқлар тинимсиз машқлар давомида чаққонлик, эпчиллик каби кўникмаларга, зукколик ва хушқоматга эга бўлиб боришади. Бу ўз навбатида соғлом турмуш тарзи тобора юксалаётганини кўрсатади. Ёшларда спортга меҳр уйғотаётган мураббий Лариса Ви ўз ишининг ҳақиқий фидойиларидан.

– Гимнастикачи қизларимизнинг иштиёқини кўриб ҳузурланиб кетаман, – дейди у. – Қандай гўзал, малоҳатли, тиришқоқ улар. Копток, арқон, айлана, тасмаларда шунақа чиройли, чаққон ҳаракат қилишадики, завқланиб кетасиз. Соғлом бола йилидаги режаларимиз ҳам кўламли. Ўзбекистон ва турли мамлакат спорт майдонларидаги халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашни ният қилганмиз.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# САЛОМАТЛИК ВА НИКОҲ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Истиқбол" ёшлар қаноти вилоят ва Оҳангарон туман бўлимлари ташаббуси билан саноат касб-ҳунар коллежида "Ёшлар саломатлиги ва никоҳ" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда йигит-қизларни миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самараси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, "олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввалambор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир".

Давра суҳбатида иштирок этган қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари соғлом бола аҳил оиланинг меваси экани, уларни тарбиялашда эса ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

**Феруза ҲАСАНОВА.**


## ЭЪЛОНЛАР

**"SPARETRA" МЧЖда 2013 йил 20 декабрдан 2014 йил 20 январгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 23.12.2013 | Миробод тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Нексия Донс" д.р. 01 E 942 LA | 29 700 000 | 31 500 000 |
| | | 2011 й. и.ч. "Спарк" д.р. 01 X 824 NA | 29 369 968 | 31 200 000 |
| | | 1974 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 A 536 FA | 3 303 000 | 3 650 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1981 й. и.ч. "Раф 2203" д.р. 11 T 1286 | 417 246 | 495 000 |
| | | 1986 й. и.ч. "Газ 66" д.р. сиз | 3 830 814 | 4 150 000 |
| | | 1981 й. и.ч. "Ваз 2103" д.р. 10 R 249 CA | 3 638 156 | 3 950 000 |
| | Ҳамза тумани СИБ | 1997 й. и.ч. "Мерседес Бенц" д.р. 01 M 002407 | 4 699 000 | 5 000 000 |
| | | 1985 й. и.ч. "Мерседес Бенц 409 D" д.р. 01 M 002408 | 4 356 000 | 4 700 000 |
| | | 1996 й. и.ч. "Мерседес Бенц 108 D" д.р. 01 M 002404 | 4 034 000 | 4 350 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 S 097 EA | 25 600 000 | 27 250 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 Q 608 KA | 26 999 100 | 28 650 000 |
| | | 2010 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 977 FBA | 26 999 100 | 28 650 000 |
| | | 2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 01 O 121 DA | 26 030 000 | 27 700 000 |
| 30.12.2013 | Янгийўл тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Captiva RLG" д.р. 10 070 KAA | 59 534 971,20 | 62 900 000 |
| | Чилонзор тумани СИБ | 1993 й. и.ч. "BMW" д.р. 01 T 669 DA | 10 606 680 | 11 295 000 |
| 03.01.2014 | Бектемир тумани СИБ | 2004 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 P 385 GA | 12 865 280 | 13 680 000 |
| 06.01.2014 | Зангиота тумани СИБ | 2007 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 R 791 DA | 9 915 500 | 11 500 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз Бест", д.р. 01 O 658 FA | 15 931 044 | 17 500 000 |
| 17.01.2014 | Бектемир тумани СИБ | 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 S 609 GA | 20 998 524 | 22 200 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2011 й. и.ч. "Спарк" д.р. 30 H 021 DA | 32 248 680 | 34 025 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 1998 й. и.ч. "Тико" д.р. 01 T 680 MA | 10 200 000 | 11 400 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖда 2013 йил 20 декабрдан 2014 йил 20 январгача ўтган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 23.12.2013 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 13.07.2011 й. № 4911-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й., Вир Ботаника 1-уй, 25-хона | 31 684 462 | 33 650 000 |
| 13.01.2014 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан № 15109/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой қ.ф.й.да жойлашган АЁҚШ шахобчаси | 253 814 736 | 277 100 000 |
| | Учтепа тумани СИБ | Учтепа тумани СИБ томонидан 08.08.2013 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 5-уй, 65-хонадон | 102 665 000 | 110 400 000 |
| 14.01.2014 | Ҳамза тумани СИБ | Ҳамза тумани СИБ томонидан 06.09.2013 й. № 1-3496/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й. ҳудудида жойлашган 2 қаватли қандолатчилик цехи ва қоровулхона | 200 000 000 | 224 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 8358-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. Камаз-5511, д/р. 10 Z 037 AA. Бошланғич баҳоси - 6 859 310 сўм. Қибрай тумани, Дўрмон хўжалик биносида сақланмоқда. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. IVEKO, д/р. 30 R 1924. Бошланғич баҳоси - 80 340 312,64 сўм. 3. Чилонзор тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. HATSAN, д/р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси - 42 311 896,67 сўм. "Арк булоқ" ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 29.08.2013 й. № 2-44-13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2012 й. и/ч. Матиз, д/р. 01 F 401 OA. Бошланғич баҳоси - 20 608 060,5 сўм. "Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, "Arsenal Servis" МЧЖ"да сақланмоқда. Учтепа тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегизбоева кўчаси, 1-уйда жойлашган мол-мулклар: 5. Товуқ сақлаш учун мўлжалланган ускуналар. Бошланғич баҳоси - 2 482 188,177 сўм. 6. Музлаткич ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар. Бошланғич баҳоси - 738 060 021,738 сўм. 7. Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони, Навоий ЭИИЗ "Узкорлайтинг" ҚҚда жойлашган телевизорларни йиғиш ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ускуналар. Бошланғич баҳоси - 152 868 697,101 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 6 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 19.11.2013 й. № 70007/17-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 42-уй. Бошланғич баҳоси - 480 000 000 сўм.

2. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 19.11.2013 й. № 70007/17-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Жасорат 2-4-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси - 1 425 000 000 сўм.

3. Юнусобод тумани СИБ томонидан 10.06.2013 й. № 16855-56/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, 10-мавзе, 18-уй, 36-хонадон. Бошланғич баҳоси - 105 706 744 сўм. 4. Учтепа тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегизбоева кўчаси, 1-уй. Бошланғич баҳоси - 3 777 401 465,217 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 6 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Салихов Хайрулла Шухратовичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 13.03.2008 йилда 003598-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MEDIAPROMDIZAYN" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ABDU-AXROR-N" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Цой Артур Модестовичга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное кадастровое дело на объект недвижимости АЗС, расположенное по адресу: респ. Каракалпакстан, Кунградский район, ПСГ "Елабад", выданные "ГУП Служба землеустройства и кадастра недвижимости Кунградского района респ. Каракалпакстан" от 2 сентября 2013 г. на ООО "INTEGRAL CAPITAL INVEST", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Исраилов Сайфулла Закировичга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан Исаев Сардор Мухтаровичга 2013 йил 8 ноябрда берилган № 72-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан Садуллаев Акмал Нарзуллаевичга 2012 йил 17 июлда берилган № 03-сонли хизмат гувоҳномаси ишдан бўшаганлиги ва ўз вақтида ходимлар бўлимига топширмаганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
**Маълумот учун телефон: (+99871) 294-28-05.**

ООО "MORION TRADE" (ИНН 207159503, ОКОНХ 71150, ОКПО 24158607), гувохнома № 006058-05 от 29.08.2012 г., зарегистрированное ИРСП Алмазарского района г. Ташкента и перерегистрировано ИРСП Юнусабадского района за № 01-17/2208 от 10.05.2013 года, расположенное по адресу: ул. А. Дониш дом 28-А, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решения № 1 от 20.01.2014 г.).

Претрензии принимаются в течение двух месяцев с дня опубликования объявления.

Утерянную круглую печать выданную ИП ООО "OPEN TECHNOLOGIES TASHKENT", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную круглую гербовую печать выданную ОАО ИИ "ANGREN PACK", **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Зангиота тумани Келес шаҳрида жойлашган, 2011 йил 11 январда 3417 реестр рақами билан рўйхатга олинган "UMID OMAD LYUKS" (ИНН 301795545) МЧЖ 2010 йил 29 декабрдаги 1-сонли қарори билан устав жамғармасини 90 000 000 (тўқсон миллион сўмдан) 9 178 325 (тўққиз миллион бир юз етмиш саккиз минг уч юз йигирма беш) сўмга камайишини маълум қилади.

Тел: (+99890) 334-44-40.

Юнусобод тумани ҳокимлигининг 2013 йил 11 октябрдаги 853-сонли қарорига асосан 143-сонли умумтаълим мактаби ўз фаолиятини 2013 йил 1 ноябрдан тўхтатиб, 96-сонли умумтаълим мактабига қўшилини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "CREAM IMPEX" МЧЖ "CHOCO SOFT" МЧЖнинг таркибига бирлашишини ҳамда "CREAM IMPEX" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "TEMURLAN IMPEX" МЧЖнинг устав жамғармаси 59 049 663 сўмдан 5 296 724,90 сўмга камайишини маълум қилади.

"TEXNOLOG-TEXPLAST" шўъба корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 14.12.2005 йилда 07-000550 реестр рақами билан рўйхатга олинган "DILDORA" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом К № 279191, выданный в 2005 году Медицинским колледжем им. П. Ф. Боровского на имя Алметовой Азизы Батировны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2008 йилда Хамидов Мирзохид Кабилович номига берилган К № 1072541 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "KARAKUL WOOL EXPO" (ИНН 302421431), Хамзинского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 546 297 000 сум до 324 000 000 сум.

ООО "MOBILE AND SPORTIVE" (ИНН 300590422), зарегистрированное ИРСП Зангиатинского района Ташкентской области расположенное по адресу: Эшонгузар КФЙ, ул. Ойбека, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 21.01.2014 г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 374-58-65.

Якка тартибдаги тадбиркор Эгамбердиева Саида Каримбердиевнага тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Якка тартибдаги тадбиркор Заир Варесига тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Ҳаёт сабоқлари

# БИР НОМАРДГА БИР МАРД

Хасталаниб ётиб қолган бир кекса ўқитувчимизни кўргани бордик. Домланинг дарвозаси олдида ўша вақтда у билан бирга ишлаган, аммо қаламининг тиғига дош бера олмай, мактабни ташлаб кетган Абдуфаттоҳ акага дуч келдик. У ҳам беморни кўргани келган экан, қўлида залворли тўрхалта.

Бу мактаб бир вақтлар вилоятда анча таниқли бўлган. Таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганидан эмас, "ёз-ёз"лар авжига чиққани билан машҳур эди. Бундай "фаолият"нинг бошида эса – Акбарали домла турар эди.

Ёш Акбарали мактабга ишга келганида, унча-мунча хабар ва мақолалари билан газетада қатнашиб турарди. Обрўси ҳам яхши эди. Нима бўлди-ю, мухбирликни пеш қилиб, раҳбарларга дағдаға қилиш одати пайдо бўлди. Айниқса, мактаб директори ёки илмий бўлим мудири унинг дарслари, маҳалла-кўйда, мактабда ўзини тутиши ҳақида танбеҳ берса борми, балога қоларди. Акбарали нима қилиб бўлса-да, уларни енгиб олиш чорасини излар, мактабдаги камчиликларни, директорнинг хатти-ҳаракатларини ён дафтарчасига ёзиб юрарди.

Акбаралининг "ёзувчи" сифатидаги илк иши Қосимхон ака директорлиги пайтига тўғри келди. Туҳмат ва иғводан иборат хатни текшириш учун вазирликдан, бошқармадан бир гуруҳ вакиллар келишди. Иш бор жойда камчилик бўлар экан. Акбарали ёзган далиллар тасдиғини топмаган бўлсада, текшириш жараёнида бошқа камчилик ва нуқсонлар очилди. Директор ариза ёзиб, ишдан кетди.

Шундан сўнг Акбаралининг ижоди гуллай бошлади. Энди газетага мақола ёзиш ўрнига раҳбарлар устидан маълумот тўплаш ва имзосиз ёки кўпчилик номидан юқори идораларга иғволи хатлар жўнатиш асосий ишига айланди. Атрофига ўзига ўхшаганлар тўпланиб, гуруҳбозлик бошланди. Кейинчалик мактабга директор бўлганлар ҳам гуруҳ зарбасига учраб, 2-3 йилдан ортиқ ишлай олишмади.

Абдуфаттоҳ шу мактабда ўқиган, Акбарали акадан таҳсил олган ва институтни битириб, қадрдон мактабида ўқитувчилик қиларди. Унга директор бўлишни таклиф этишганида: "Акбарали ака устозим бўлса, менга ёмонлик қилмас" деган умидда раҳбарликка рози бўлди. Дастлабки пайтда Акбарали ака унга ўзини яқин олиб, яхшигина ишлаб юрди.



Директор бир куни "домла"нинг мактабга ичиб келганини пайқаб қолди:

– Кечирасиз, устоз, бу ҳолатда дарсга кирманг! – раҳбарнинг гапи шу бўлди.

– Нима деяпсан? Менга танбеҳ беришга нима ҳаққинг бор? Мен ичсам ҳам дарсимни қолдирмайман.

Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Ҳатто дарсга кечикиб кирар, умуман ишга келмай қоларди. Огоҳлантиришлар иш бермагач, директор "домла"ни касаба уюшма аъзолари йиғилишига олиб чиқди. Акбарали ака келмаган бўлса-да, директорга қарши ҳужум ўша кундан бошланди.

Акбарали домла директор билан яхши муносабатда бўлган пайтда унинг ички сирларини ўрганиб, босган қадамини ёзиб юрган экан. Юқори идораларга қатор-қатор юмалоқ хатлар уча бошлади. Комиссия устига комиссия, текшириш устига текшириш авж олди.

Хуллас, 6 ойча текшир-текшир, чақир-чақир бўлди. Бу орада Абдуфаттоҳ икки марта қон босими ошиб, касалхонада ётиб чиқди. Охири у ҳам бошқаларга ўхшаб ариза ёзди-ю, қўшни мактабга ишга ўтиб кетди...

Мана бугун Абдуфаттоҳ директорлик пайтида бошига не маломатларни солган кишининг ҳолидан хабар олгани келиб турибди.

Биргаликда қариянинг ҳузурига кирдик. Озиб-тўзиб, ранги сарғайиб кетган Акбарали ака эски темир каравотда ётарди. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, яхши ниятлар тиладик.

– Ҳаммаларингга раҳмат. Мендай бир одамни йўқлаганингиздан миннатдорман, – деди у кўзёшларини артиб. Сўнгра Абдуфаттоҳга юзланди: – Айниқса, сенга кўп ёмонликлар қилдим. Сен эса кеча болангни юборибсан, машинасида касалхонага олиб бориб келди. Дўхтирлар ёзиб берган дориларнинг пулини ҳам ўзи тўлади. Менинг болаларим эса...

У ҳўнграб юборди. Бу надомат ва афсус кўзёшлари эди. Боши ёстиққа текканида, не-не одамларни сарсон-саргардон қилганига энди пушаймон. Бунинг устига отанинг "ёзувчи"лигини ташлата олмай, эл-юрт ичида маломатларга қолган фарзандлари ундан хабар олмай қўйишди.

– Мени кечир, Абдуфаттоҳ, – домланинг охирги гапи шу бўлди. Ўгирилиб олиб, ҳиқиллаб йиғлашда давом этди...

**Карим МАВЛОН.**

## Қатра

# МЕҲР СЕҲРИ

Ҳар куни тушлик пайтида телефоним жиринглайди:

– Қизим, тушлик қиволдингми?

– Йўқ ҳали, ойижон.

– Ҳамма ишларингни бир четга суриб, аввал овқатланиб ол. Хайр, болажоним.

– Хўп, ойижон, – дейман кулиб.

Оҳ, қалбида меҳр боғи гуллаган онажоним-а! Мендан ҳалигача хавотир оладилар. Баъзан ишларим кўпайиб кетади. Уйга ҳорғин келаман. Вақт алламаҳал бўлсада, онаизорим мени интизор кутиб ўтирадилар:

– Келдингми? Хайрият, – юзлари, кўзлари қувончдан порлаб кетади. Яхшимизни кўз-кўз этган, шодлигимда қувонган, ғамимда ғамзода онам-а, – дейман ичимда.

Болалигимизда тунларни тонгларга улаб, аллалар айтган, оқ ювиб, оқ тараган, яримта кўнглимизни меҳрга чулғаган. Онажоним ёнимга келиб, секин елкамга қоқиб, эркалайдилар. Кўнгиллари ёришиб, ухлагани кириб кетадилар. Мен эса меҳрдан, соғинчдан, яхшиликдан дарс берган мунис мушфиқамнинг ортидан сўзсиз термилиб қоламан...

**Наргис ҲАСАНОВА.**

## Ҳажвия

# ТЕЛЕФОНОГРАММА

Хонадонингизда шаҳар телефони бўлса қандоқ яхши! Хоҳлаган кишингиз билан истаганча гаплашаверасиз. Пули ҳам жа-а чақадиганмас. Яна онда-сонда кимларнингдир ажабтовур гурунгларигаям дуч келиб турасиз. Мана, шулардан биттаси.

Дам олиш куни кимгадир сим қоқаман деб, гўшакни кўтарсам, тармоқнинг таниш товуши ўрнида роса қизғин суҳбат кетаяпти. Айтиб қўяй, бировнинг гапига қулоқ тутадиган одатим йўқ. Аммолекин, бундай жонон гурунгдан қулоқ узгим келмай қолди.

Суҳбатнинг оҳангию буровидан билдикки, Эрдон Қоплонович каттакон идоранинг раҳбари, қўл остиларида ўнлаб одам ишларкан. Ўзлари бир ҳафтача бурун хорижга меҳнат сафарига кетган эканлар. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат, дегандай. Бу ёқда булбулдай сайраётган "шогирд" бола эса афтидан, раҳбарнинг ёрдамчисими, бирон югурдагими, ҳарқалай яқин одами. Гап орасида йигитнинг исми жисмига мос – Шоввозбек экани ҳам маълум бўлди.

Суҳбат тахминан мана шундай кечарди:

Шоввозбек: ...Кеча келинойим машина сўраган эканлар, ўринбосарингиз ниманидир баҳона қилиб, юбормабди. Эшитдиму зинғиллаб ўзим етиб бордим. Самарқанд дарвозада янги супермаркет очилган экан, шу ердан ул-бул харид қилиб, қайнсинглингизни кўргани "роддом"га бордик. Келинойим: "Кечқурунга нима овқат қилсам экан", деб безовталаниб қолувдилар, уриниб нима қиласиз, дедим-у, йўл-йўлакай "Эшонгузар"дан йигирмата "Ғиждувон кабоб" олиб чиқдим.



Уйга келсак, кенжатойингиз Бадирхонтой югургилаб чиқиб, бўйнимга осилдилар. Бирам ширин бўлганлар, ўзиям. Туф-туф, кўз тегмасин. Кейин бир пас "от-от" ўйнадик. Чавандоз бўладилармми дейман, устимга ўтирволиб, оёқчалари билан қоқ белимга ниқтайдилар. Келинойимнинг ҳам жуда завқлари зўр-да, финский йўл-йўл галстугингиз бор эди-ку, ўзингизга жуда ярашадиган, шуни олиб чиқиб, бўйнимга боғлаб қўйдилар. Арқон эмиш бу. Она-бола икковлари шугина билан тортиб, чим экилган гулзорга қараб бошлаб қолдилар-у! Ўтлатаман, дейдилар. Ёлғондакам ўт еган бўлсам, Бадирхон азамат қиқир-қиқир куладилар. Кулганларида янаям ширин бўлиб кетадилар, ўзингизга ўхшаб...

Эрдон Қоплонович: Айтгандай, Бадирхоннинг "Оқтой"и қалай? Сут ичаяптими? Қулоғини кесдиларингми?

Шоввозбек: Божам ўн олтинчи горбалнисада хирург-ку. Илтимос қилувдим, ҳамшираси билан келиб, кесиб кетишди. Аввал оғриқ қолдирадиган укол қилдирдим. Аптекадан дориларини ўзим олиб бердим. Ҳозир яраси битди, ҳисоб. Шундаям левомекол билан переваска қилиб турибмиз. Божам барака топсин, кунора ўзи келиб кўриб кетади. Қўшнимиз Рисолат холага тайинлаб қўйганман, янги соғилган эчки сутидан ҳар куни келтириб турибдилар. Бир куни ширгуруч, бир куни манний каша қилиб бераяпмиз. Шапиллатиб еб ташлаяптилар. Кеча "Чорсу"даги бешикчи тоғамга заказ бериб келдим. Эрта-индин кутичадек қилиб уя ясаб берадилар.

Айтганча, Қумқўрғондан Рихси Бўтаевич сизга атаб бизникига иккита ҳисори қўй ташлаб кетувдилар-ку. Ўтган куни жониворгиналарнинг кетма-кет кўзлари ёриди. Ўзлариям иккитадан туғибдилар, боякишлар. Баракаси бор одамсиз-да, иккита қўйингиз олтита бўлди, Эрдонжон ака! Қўзичоқлар бирам ширин, бирам ширин. Думбалариям бизнинг кўчқорларникидан катта. Қўшниларимиз ҳайрон. Энди, бу кимсан Эрдон Қоплоновичнинг қўйлари-да, деб роса мақтандим. Дарров олов ёқиб, "исириқ-испан" қивордик. Келинингизга айтиб, "высший сорт" ундан атала қилдирдим, ичволдилар. Қувват бўлади-де.

Эрдон Қоплонович: Маладес, Шоввозхон, маладес. Кам бўлмайсиз ҳали. Йўғимизни шундай билдирмай туринг-да, ука. Хўш, ишхонада нима гаплар?

Шоввозбек: Тинчлик. Ҳаммамиз сизни соғиндик. Фақат шу ўринбосарингиз роса қутуриб кетган. Ҳисоботларни вақтида топширмаган экан, Сухсурхон опани ишдан ҳайдайман, дебди. Шаҳлохонниям аразлатибди. Сиз кетгандан бери котибангиз Асалхон, отделкадр Лобархон, давлененгизни ўлчаб турадиган омбор мудири Дилярахонлар ишга чиқишмаяпти. Шопмўйлов уларгаям бирон нима деганми, билмадим. Лекин, тунов куни гап келиб қолувди, ўринбосарингизни четга тортиб, тушунтириб қўйдим. Кароче, дедим, идорамизнинг аёллари, айниқса, мана шу бешташи шахсан Эрдон Қоплоновичнинг опекаларида, дедим. Кўзини бақрайтириб: "Бу идорамас, гўзаллик салони бўлиб кетди-ку", дейди. Ҳов, бирда Лобархон уйига бормаганда эри тўполон қилиб келувди-ку, бу қари туллак шуни эшитган эканми, нима дейди денг...

...Орага кимдир қўшилиб, шундай ширин жойига келганда суҳбатнинг белига тепди. Э йўқ, бэ йўқ, телефон жонивор "дуд-дуд"лаб қолди. Гўшакни жойига илдим-у, уйга толдим. Раҳбар деганлари биздаям бор. Би-ир телефон қилиб қўйсаммикин...

**Муҳаммад АЪЛО.**




### ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ БОШЛАНАДИМИ?



**Суриянинг мухолифатчи ва инқилобий кучлари миллий коалицияси БМТдан Эронга Женева конференциясида иштирок этиш учун берилган таклифномани қайтариб олишни талаб қилди.**

Мухолифатчилар БМТ бош котиби Пан Ги Мун Эроннинг тинчлик конференциясида иштирок этишини маълум қилганига жавобан эътироз билдириб, агар шундай бўлса, улар конференцияда қатнашишдан бош тортишларини айтдилар.

Тинчлик конференцияси 22 январь куни Швейцариянинг Монтре шаҳрида бошланиши кутилмоқда. 24 январь – жумадан бошлаб мажлис БМТнинг Женевадаги ваколатхонасига кўчади ва унда мухолифатчилар билан мамлакат президенти Башар Асад ҳукумати ўртасида музокаралар бўлиб ўтади.

Суриядаги жанжалларни тинчлик йўли билан ҳал этишга бағишланган биринчи конференция 2012 йил 30 июнда Женевада бўлиб ўтган эди. 2013 йилнинг ўрталарида ўтказиш мўлжалланган иккинчи конференция эса, бир неча бор орқага сурилди.

### АМАЛДОРНИ ЎҒИРЛАБ КЕТИШДИ



**Reuters агентлиги Жанубий Кореянинг "Ренхап" агентлиги маълумотига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, Ливия пойтахти Триполида кореялик амалдорни ўғирлаб кетишди.**

Кореянинг Ливандаги савдо инвестициялари агентлигининг савдо муносабатлари бўлими бошлиғи Сок У Ханни тўрт киши қўлга олган. Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлиги бу хабарнинг тўғрилигини тасдиқлади. Бироқ, тафсилотлари ҳақида маълумот беришдан бош тортди.

Ўғирликни ҳозирча бирорта ташкилот ўз зиммасига олгани йўқ. Шунингдек, амалдорни нима мақсадда ўғирлаб кетишгани ҳам ҳали номаълум.

Жангарилар ва маҳаллий кўнгиллилар билан ҳукумат кучлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этаётган Ливияда маҳаллий амалдорларни ўғирлаб кетиш тез-тез юз бериб туради. Жумладан, 2013 йил ноябрда Триполи аэропортида Ливия разведкаси бошлиғини ўғирлаб кетишганди. Октябрь ойида эса, мамлакат бош вазири Али Зейдан ҳам бир муддат ўғрилар қўли остида бўлди.

### ЙИГИРМА АСКАР ПОРТЛАШ ҚУРБОНИ БЎЛДИ



**Покистоннинг Банну шаҳрида ногаҳонда бомба портлаши оқибатида йигирма ҳарбий хизматчи ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.**

Бомба ҳарбий машиналар колоннаси ёнида портлади. Мамлакат хавфсизлик кучлари вакилларининг айтишича, камикадзе ўзини портлатиб юбордими ёки масофадан бошқариладиган бомба ишга солиндими, ҳозирча маълум эмас. Йигирма нафар қурбондан ташқари 30 дан зиёд киши жароҳатланди.

"Толибон" ҳаракати содир этилган хунрезликни ўз зиммасига олди. Ҳаракатнинг расмий вакиллари бундай хуружлар давом эттирилажагини таъкидлашди. Умуман, шимоли-ғарбий Покистон "Толибон"нинг мавқеи анча кучли минтақа ҳисобланади. Мамлакат ҳукумати бу олис тоғли туманни анча бўш назорат қилади.

### ҒАЗО СЕКТОРИГА ҲАВО ЗАРБАСИ



**AFP агентлигининг маълум қилишича, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари Фаластиннинг ракета ўқлари ёғдирганига жавобан икки марта ҳаводан ҳужум қилди.**

ЦАХАЛнинг расмий вакиллари берган баённомага кўра, Ғазо секторининг шимолий ва марказий қисмидаги "террорчилик фаоллашган объектлар"га ҳаво ҳужуми уюштирилиб, мўлжалланган нишонлар йўқ қилинди. Аммо, қанча фаластинлик ҳалок бўлгани ва жароҳатлангани ҳақида хабар тарқатилмади. Фақат шуниси маълумки, Исроил самолётлари Ғазо секторига 15 январь куни ҳужум қилганида, бир аёл ва тўрт бола жабрланганди.

2012 йилнинг охирида Исроил Ғазо секторида кенг кўламли операция ўтказди. ХАМАС ва Исроил ўртасида тузилган вақтинчалик ярашиш аҳдига мувофиқ фаластинлик гуруҳлар ракета отишни тўхтатиш мажбуриятини олган эди. Бироқ, ўшандан буён бу ҳолат бир неча марта бузилди.

### ЧИНАВАТДАН ИСТЕЪФО ТАЛАБ ҚИЛИШЯПТИ

**Бангкок марказидаги муҳим чорраҳаларни бир ҳафтадан буён ўз назоратида ушлаб турган намойишчиларни тунда номаълум кимсалар ўққа тутишмоқда.**



Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказидан хабар қилинишича, шаҳардаги шифохоналардан бирига мухолифатчилар ҳаракатининг кўкрагидан ўқ еган аъзоси келтирилган. Ҳужум қилган кимса яширинишга улгурган.

17 ва 19 январь кунлари номаълум шахслар намойишчиларга портловчи қурилма улоқтиришган. Уч марта юз берган портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлган, 67 киши жароҳатланган.

Оппозициячилар шу ҳафта давомида ҳамма ҳукумат бинолари, шу жумладан, сайёҳлар хуш кўрадиган Пхукет оролидагиларни ҳам қамал қилишмоқчи. Намойишчилар етакчиси Сутеп Таугсубаннинг гапига қараганда, улар бу биноларни, шу жумладан бош вазир вазифасини бажараётган Йинглак Чинаватнинг шахсий саройини ҳам чироқсиз ва сувсиз қолдиришмоқчи.

Бангкокдаги ғалаёнлар уч ойдан буён давом этмоқда. Мухолифат Йинглак Чинаватнинг истеъфога чиқишига эришмоқчи.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Бу – қизиқ

### ҚАҲВАДА ЮРАДИГАН... АВТОМОБИЛЬ



Тинчимаган одамларей, нималарни ўйлаб топишмайдия?!

Қаранг, биз қаҳвани аччиққина қилиб дамлаб, ичиб юраверган эканмиз. Қаҳва нафақат одамни тетиклаштирар, ҳатто автомобилни ҳам юргиза оларкан. Бунга ишониш қийин-а? Шунинг учун ҳам бу ихтиро – қаҳва қуйқасида ҳаракатланадиган автомобиль Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олишга муваффақ бўлди. Инглиз ихтирочиси Мартин Бейконнинг таъкидлашича, у яратган автомобиль экологияга зарар етказмайди, тезлиги ҳам юқори. Конструктор автомобиль тезлигини соатига 105 километргача ошира олди.

Бу кетишда, яқин келажакда қаҳва қуйилган автомобилларда сайр қилсак ажаб эмас.

### ЁРҚИН РАНГ ВА ИШТАҲА



Ҳеч кимга сир эмаски, вазни оғир инсонлар, доимо озиш ҳақида ўйлайдилар. Бу ҳақда қандай маълумот топсалар, дарҳол ўзларида синаб кўрадилар. Буни қарангки, семириб кетмаслик учун нафақат овқат меъёри, балки таомни қандай рангли идишда тановул қилишлик ҳам муҳим экан.

– Озишни истасангиз ёрқин рангли идиш-товоқ танланг, – дейишмоқда мутахассислар. – Сабаби, бундай идишда озгина овқат ҳам кўп кўриниб, тезда тўқлик ҳиссини уйғотади.

Америкалик олимлар кўнгиллилар билан тажриба ўтказдилар. Биринчи гуруҳдагиларга оқ рангли ликобчалар беришди, иккинчи гуруҳ қатнашчиларига эса қизил, қора, кўк, хуллас тўқ рангли ликобчалар тарқатилиб, ўзлари хоҳлаганча таом солиб, истеъмол қилишлари мумкинлигини айтишди. Бир неча ой давом этган тажриба натижалари оқ ликобча эгалари бошқа кўнгиллиларга қараганда 30 фоиз кам овқат тановул қилишларини кўрсатди.

## Лаҳзалардан лавҳалар

### ТАШВИШНИНГ КЎПИ ЯХШИ

Саксонбой отанинг ёшлари исмларидан ўзганига анча бўлган. Ота кўзига кўринган одамни шундай дуо қилади:

– Илоё, ташвишинг кўп бўлсин...

Бунга ҳамма кўниккан. Ҳеч ким: "Нимага бировнинг боласига ташвиш тилаяпсиз?" деб сўрамайди. Аммо, бир сафар отахоннинг ўзлари шундай деганлари ёдимда:

– Ҳаёти яхши, соғлиғи жойида одамнинг ташвиши кўп бўлади. Бахти қаро, шўрпешона одамлардагина ташвиш битта бўлади. Сабабки, касал одам тузалиш, оч – тўйиш, қамоқда ўтирган эса фақат озод бўлиш ташвишини чекади. Рўзғори тўкис одамнинг ташвишида саноқ бўлмайди...

### ЧЕМПИОН ҲАМ ОДАМ

Мухбир уч карра жаҳон чемпиони бўлган моҳир курашчидан интервью олаяпти:

– Шу чоққача бирор марта ҳам рақибларингиздан енгилмаган экансиз. Айтинг-чи, бунинг сири нимада?

Чемпионнинг жавоби:

– Ҳеч қандай сир-пири йўқ. Лекин ҳар сафар рақиб билан юзма-юз келганимда, ютқазиб қўйсам, уйга қайси юз билан бораман, хотиним дабдаламни чиқаради-ку, деган хавотир бўлади ичимда...

### ОНАИЗОР

Келинлардан ёлчимаган онаизорнинг дуоси:

– Илоҳим, ҳаммангизга ўзингизга ўхшаган келин учрасин...

Куёви нобопроқ чиқиб, қизи тинмаган онаизорнинг ҳасрати:

– Қандоқ қилайки, душманимнинг қўлида дўстим гаровда...

### ОШ БЎЛСИН!

Саид Аҳмад домланинг "Киприкда қолган тонг" эссесида водийнинг "кўча оши"га шундай таъриф берилади: "Янги сўйилган қўй гўшти, жиндаккина туз еган пешноб, пўстдумба солинган, устига майда кертилган кўм-кўк, хушбўй кашнич сепилган, ёғи олинмаган икки қошиққина қатиқ қўшилган, бетида кўк қалампир сузиб юрган бу таом чимхўр, овқатга инжиқ ҳар қандай одамнинг ҳам иштаҳасини очиб юборар эди..."

Телевизордаги "Ош бўлсин" кўрсатувини тайёрлайдиган синглимиз "дастурхон таърифинда"ги жўқинамо ибораларлардан, "Тайёр бўлди кўра, шашлик қани жўра" қабилидаги сийқа жумлалардан қочиб, дастурхон манзарасини мана шунақа оддий, ҳаётий, ошхонабоп қилиб чизсалар, иштаҳани бўғмаган бўлардиларми...

### ЭНГ УЛКАН СУМАЛАК

Бу йилги қиш фасли кутилмаган об-ҳаво ўзгаришлари билан дунё аҳлини ташвишга солмоқда. АҚШнинг марказий ва шимолий ҳудудларида бир аср давомида кузатилмаган совуқ ҳукм сурмоқда. Ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, айрим ҳудудларда -45°С даражага тушиб кетди.

Бу ўзининг гўзаллиги билан сайёҳларни жалб этувчи дунёдаги энг улкан Ниагара шаршарасининг музлашига сабаб бўлди.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар қилишича, Ниагара дарёси ҳам буткул муз билан қопланган. Бундай экстремал совуқ об-ҳаво 1848 ва 1912 йилларда қайд этилган ва ўшанда ҳам Ниагара шаршараси музлаган эди. Нью-Йорк штатини Канаданинг Онтарио вилоятидан ажратиб турувчи шаршара Шимолий Америкадаги энг кенг, энг улкан шаршара бўлиб, баландлиги 53 метр келади.

Энди шаршарани томоша қилиш учун ташриф буюрган сайёҳлар дунёдаги энг улкан сумалакларни кўришлари мумкин.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-56-03, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9005. Адади 18053. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.